



Fidoyilik —  
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 7-iyun, seshanba,  
65 (23.632)-son

**КУН  
ҲИКМАТИ**

Инсоният  
йўқотадиган  
энг қиммат  
нарс вақтдир.  
Омадсизлик,  
самарасиз қўлар  
ана шу йўқотилган  
вақт ичида армон  
бўлиб қолаверади

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



[www.zarnews.uz](http://www.zarnews.uz) <https://www.facebook.com/zarnews.uz> [@zarnews\\_uz](https://twitter.com/zarnews_uz) [https://twitter.com/zarnews\\_uz](https://twitter.com/zarnews_uz)



► **Ёшлар ойлиги**

# ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ ЖОМБОЙ ВА ПАХТАЧИДА ДАВОМ ЭТДИ

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб ёшлар ойлиги доирасида фестиваллар давом этмоқда. Вилоятимизнинг Паст Дарғом ва Пайариқ туманларидан бошланган ёшлар фестивали ўтган ҳафта якунида Жомбой ва Пахтачи туманларида давом этди.

“Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остидаги фестиваллар доирасидаги тадбирлар байрамона руҳда ўтди. Юриш марафони, спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар, турли танловлар ўтказилди. Жомбойдаги “Заковат” интеллектуал ўйинида иккинчи сектор жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

– Уйинда 6 йўналишда 7 тадан савол берилди, - дейди жамоа раҳбари, туман прокурори Жамшид Аҳмедов. – Ёшлар билан бирга жавобларни топишга ҳаракат қилдик. Айниқса, мусика, кино ва турли фанлар бўйича берилган саволлар бизга қийинчилик туғдирмади. Сабаби, жамоамиз аъзолари иккинчи сектор ҳудудида яшаб,

турли йўналишларда фаолият юритаётган иқтидорли ёшлардан иборат эди.

Вилоятнинг олис ҳудудида жойлашган Пахтачида ўтказилган тадбирларда нафақат шу туман йигит-қизлари, балки кўшни Навоий вилоятидан ҳам ёшлар иштирок этди.

Фестиваль доирасидаги тадбирларда пахтачилик ташаббускор йигит-қизлар, ёшлар билан ишлаш, ишсизларнинг бандлигини таъминлашда фаол бўлган корхона ва ташкилотлар вакиллари муносиб тақдирланди.

– Тадбиркорликни бундан беш йил аввали иссиқхонада помидор ва бодиринг етиштиришдан бошлаганман, - дейди “Alisher U developer company” МЧЖ раҳбари Дадаҳон Нажмидинов. – Уша

пайтда 19 ёшда эдим. 2020 йилда савдо мажмуасини ташкил қилдим. 2021 йилда қурилиш корхонаси ишга тушди. Айни пайтда корхонамизда 50 нафар ёш иш билан банд. Бундан ташқари, 100 нафарга яқин мавсумий ишчиларимиз бор. Бугунги кунда Хитой ва Туркия давлатларидан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуналар келтириш бўйича шартномалар имзоланди. Фаолиятимизни кенгайтириб, йил охиригача яна 20 та янги иш ўрни яратишни режалаштирганмиз.

Ҳар икки туманда ҳам фестивалнинг якуний гала-концерти кўтаринки руҳда ўтди. Пойтахтдан келган таникли хонандалар, самарқандлик истеъдодли санъаткорлар, фольклор жамоаларининг чиқишлари йўналганларга байрамона кайфият бағишлади.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,  
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).**

## Туркий давлатлар невролог олимлари Самарқандда

Самарқандда туркий давлатларнинг тарқоқ склероз касаллигининг долзарб муаммоларига бағишланган IV халқаро конгресси бошланди.

Самарқанд шаҳридаги ёшлар марказида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ва Туркия, шимолий Кипр, Россия Федерацияси, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикаларидан келган етакчи невропатолог, нейрореабилитолог, нейрорепсихолог, нейрореконструктор, рентген-радиолог олимлар илмий-амалий маърузалари билан иштирок этмоқда.

– Конгрессни ўтказишдан асосий мақсад тарқоқ склероз касаллигини даволашда илғор технологиялардан фойдаланиш, олимлар билан тажриба алмашиш ва уни амалиётда қўллаш, - дейди туркий давлатлар ўртасида тарқоқ склероз бўйича изланишларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси президенти, профессор Демирқая Шереф. – Уйлаймизки, мазкур конгресс ҳам тарқоқ склероз касаллигининг замонавий диагностикаси ва даволаш усуллари бўйича Ғарбий ва Урта Осиё давлатларидан келган олимлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ва янгиликларни ўз давлатларининг даво-



лаш-профилактика муассасалари амалиётига жорий этиш орқали касалликни даволаш натижаларини янада яхшилашга хизмат қилади.

Тарқоқ склероз касаллигининг долзарб муаммолари бўйича дастлабки конгресс 2019 йилда Туркиянинг Гулхане университети медицина факультетига туркий давлатларнинг мутахассислари иштирокида ўтказилган эди. Унда конгрессни ҳар йили Ғарбий ва Урта Осиё давлатларининг бирида ўтказилишига келишиб, махсус котибият аъзолари таркиби сайланган.

Конгресс 10 июнга қадар давом этади ва академик мобиллик доирасида ирсий мойилликка эга бўлган тарқоқ склероз касаллигининг муаммолари бўйича давра суҳбатлари, мунозаралар ўтказилиб, тажриба алмашилади.

**Ф.РЎЗИБОВЕВ.**

## Иштихонда 52 та юқори технологик операция амалга оширилди

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ҳафтанинги шанба кунини туманларда аҳоли учун сайёр қабул ҳамда мақсадли скрининг текширувлари ўтказилмоқда. Навбатдаги тадбир Иштихон туманидаги Қирқ йигит маҳалласида ташкил этилди.



Маҳаллада махсус чодирлар тайёрланиб, уларда аҳоли хирург, педиатр, онколог, инфекционист, уролог, акушер-гинеколог, ЛОР, терапевт, невролог, физиотерапевт сингари 20 га яқин мутахассислик вакилларида маслаҳат олди.

– Икки йилдан буён нафас олишга қийналанман, - дейди Фурқат Мардиев. – Иш билан бўлиб, шифокорга кўринишга вақт топа олмаётганим. Сайёр тиббий кўрик мен ва бошқа маҳалладошларим учун айни муддао бўлди. Дардимга шифо топадиган бўлдим.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқар-

маси бошлиғи Д.Жуманиёзов сайёр тиббий кўрик доирасида мурожаатчилар учун қабул ҳам ўтказди.

– Олти ойдан буён овораман, кирмаган масъулим, учрашмаган шифокорим қолмади, - дейди тумanning Қоражўйли маҳалласидан келган Ойсулв Назонова. – Умуртқа поғонамда силжиш бор, операция қилиш керак, дейишлатди. Лекин бунинг учун пулим йўқ, “Темир дафтар”да рўйхатда турман. Муаммомга сайёр қабулда ечим топдим. Бошқарма бошлиғи мени бепул операция қилдиришга ваъда берди.

Қабулда сихаттоҳда даволаниш

учун йўлланма олиш, ногиронлик нафақасини тайинлаш сингари тизим ваколатига кирмайдиган масалаларда ҳам мурожаатлар бўлди. Бундай мурожаатчиларга зарур ҳуқуқий ва тиббий маслаҳатлар берилди.

– Тадбиримиз уч босқичда олиб борилмоқда, - дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Суҳроб Зайниев. – Биринчи ва иккинчи босқичлари бир ҳафта олдин бошланган эди. Жўмладан, бу вақт ичида туманга жалб қилинган 310 нафар малакали тиббиёт ходими хонадонна-хонадон юриб, фуқаролар ўртасида соғлом турмуш тарзига риоя этиш, ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтиш бўйича тарғибот ишларини олиб борди. Туман тиббиёт бирлашмасида эса вилоятимизнинг етакчи жарроҳлари томонидан 52 та юқори технологик жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Мақсадимиз тиббиётни аҳолига янада яқин қилиш, жойларда тиббий маданиятни оширишдир.

Сайёр қабулда 134 та мурожаат қабул қилинган бўлса, тиббий кўрик билан икки минг нафардан ортиқ фуқаро қамраб олинди. Уларнинг 1322 нафарига турли касалликлар амалиёти, 46 нафарига имтиёзли, 152 нафарига стационар даволашни учун йўлланма берилди. Қолган 1123 нафар фуқаро амбулатор даволаш бўйича тавсиялар олди.

**Асқар БАРОТОВ.**

## Fan olimpiadasida samarqandlik uch nafar o'quvchi g'olib bo'ldi

11-sinf o'quvchilari uchun fan olimpiadasining respublika bosqichi bo'lib o'tdi. Olimpiadaning tarix, geografiya, ona tili, adabiyot, tojik tili va o'zbek tili fanlaridan respublika bosqichi Samarqand shahrida o'tkazildi. Unda respublikamizning 14 hududidan 195 nafar o'quvchi ishtirok etdi.



Fan olimpiadasining respublika bosqichida Kattaqo'rg'on tumanidagi 1-IDUM o'quvchisi Sevara Jahongirova ona tili va adabiyot fanidan birinchi o'rinni, Samarqand shahar 51-IDUM o'quvchisi Dilshod Davronov nemis tili fanidan ikkinchi o'rinni egalladi. Shuningdek, SamSI akademik litseyi o'quvchisi Iroda Vaxromova o'zbek tili fanidan uchinchi o'rinni qo'lg'a kiritdi.

Kimyo, biologiya, informatika va axborot texnologiyalari, rus tili va adabiyoti, qozoq tili, qoraqalpoq tili va adabiyoti kabi fanlardan respublika fan olimpiadasi 8-11 iyun kunlari Navoiy viloyatida bo'lib o'tadi. Maxsus maktablar uchun matematika, ona tili va adabiyot fanlaridan o'tkaziladigan respublika fan olimpiadasiga Toshkent shahri mezbonlik qiladi.

**Marg'uba MUQADOVA.**

# “ҲАЖЖИ МАБРУР”нинг МУКОФОТИ ФАҚАТ ЖАННАТДИР

Каъбатуллоҳ зиёрати – ҳар бир мусулмоннинг орзуси. Таассуфлар бўлсинки, миллатимизнинг не-не фозил фарзандлари учун бу орзу армонга айланган замонлар ҳам бўлган эди. Яратганинг буюк инъоми – мустақиллик туйғайли ушбу ибодат учун ҳам муайян шароитлар яратила бошланди. Кейинги йилларда эса Ҳаж ибодати учун мамлакатимизда ҳар қачонгидан ҳам кенг имкониятлар яратилди.

Ўтган икки йил дунёда кенг тарқалган вирус сабаб Ҳаж ибодатини адо этиш юртдошларимизга насиб қилмади. Алҳамдулиллаҳ, бу йил яна Каъбаи муаззамани зиёрат қилиб, ислонинг бешинчи арқони бўлмиш Ҳаж ибодатини бажариш учун зиёратга йўл очилмоқда.

Ҳўш, бу йилги Ҳаж зиёрати Ўзбекистон мусулмонлари учун қандай амалга оширилади? Аввало, “Ҳаж – 2022” мавсумига тайёргарлик кўриш юзасидан брифинг бўлиб ўтди. Унда Ҳажга доир бир қанча масалалар очикланди.

Жўмладан, Саудия Арабистони томони билан олиб борилган музокаралардан сўнг жорий йил Ўзбекистон фуқаролари учун умумий Ҳаж квотаси 10 865 нафар этиб белгилангани маълум қилинди. 2019 йилда эса бу кўрсаткич 7 200 нафарни ташкил этган эди. Жорий Ҳаж мавсуми учун Ҳаж квотасининг оширилгани, шубҳасиз, юртимиз зиёратчилари учун катта хушxabар бўлди.

Маълумки, Саудия Арабистони Ҳаж ва умра вазирилик пандемия ҳамон давом этаётгани ту-

файли “Ҳаж – 2022” баёнотида бир қатор талаб ва чекловларни эълон қилди. Ҳаж мавсумида 4 миллиондан зиёд зиёратчи Ҳаж ибодатини адо этаётган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 1 миллиондан ортиқроқни ташкил қилмоқда. Зиёратчилар сони дунё миқёсида шунча чекланишига қарамай, ўзбекистонлик ҳожилар учун квотанинг оширилиши ҳам катта неъмат.

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ҳаж ва умра вазирилик томонидан қўйилган қатъий карантин талабига кўра, “Ҳаж-2022” мавсумида иштирок этиш ёш чегараси 65 ёшгача этиб белгиланди.

Умид қиламизки, ушбу ёш бўйича чеклов вақтинча бўлиб, келгуси Ҳаж мавсумларида ёши улуг инсонлар ҳам бу муборак амални адо этиш саодатига эришадилар, инша Оллоҳ. Шунингдек, Ҳаж сафари нархларида ҳам

ўзгаришлар бор. Қайд этилишича, нархларнинг ошишига Саудия ҳукумати томонидан Ҳаж сафари нархига таъсир қилувчи қўшимча солиқ ва мажбурий тўловлар жорий қилингани, коммунал, транспорт, электр энергия ва бошқа хизматлар учун тўловлар миқдори бир неча баравар (30-40 фоиз) ошгани сабаб бўлган.

Ҳаж ҳар бир мусулмоннинг орзусидир. Чунки у сабабли киши онадан қайта туғилгандек гуноҳларидан покланади. Дунёдаги мусулмонлар бирдамчилигига гувоҳ бўлади ва оламларга раҳмат қилиб юборилган севиқли Пайғамбаримизни (с.а.в) зиёрат қилиш бахтига мушарраф бўлади. Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлардан маълум бўладики, Ҳаж ислом арқонларидан бири экан. Йўлга қодир мусулмон, умри давомида бир мартаба Ҳаж ибодатини амалга ошириши билан ислом арқонларидан

бирини адо этган саналади.

Албатта, бу улуг ибодат фақат Яратганинг розилиги учун бўлмоқлиги лозим. Риё ва гуноҳлардан холи, сахийлик ҳамда ҳусни ҳулқ, ихлос билан амалга оширилган Ҳаж – “ҳажжи набрур” деб аталади. Бундай Ҳаж хусусида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Наби (с.а.в) шундай марҳамат қилади:

**“Ким Аллоҳ учун Ҳаж қилса, фаҳш сўз айтмаса ва фисқу фасод қилмаса, худди ониси туққан кунидек қайтади”.**

Ҳаж ибодатини адо этишни ният қилган ҳар мўмин-мусулмон кишини Аллоҳ таолонинг ўзи қаҳриши насиб қилсин.

**Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ,  
Ўзбекистон мусулмонлар идораси Самарқанд вилояти вакили.**



Давлатимиз раҳбари жорий йилда мактаб битирувчиларига йўлаган табригида: "Кейинги пайтда халқимиз, айниқса, униб-ўсиб келаётган сиз каби ёшларимиз учун Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакатига айланиб бормоқда. Республикада фаолият кўрсатаётган 162 та олий ўқув юрти, кўплаб касб-ҳунар мактаблари, коллеж ва техникумлар келгусида сизларнинг ўзингиз танлаган соҳалар бўйича етук кадр ва малакали мутахассис бўлишингиз учун хизмат қилади", - дея алоҳида таъкидлади. Бу бежиз эмас. Чунки бугун жамиятимизда мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттириш ҳамда дунёнинг ривожланган давлатлари сафига қўшиш борасида кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда. Ушбу ислохотларнинг том маънодаги таянчи ва давомчиси бўлган ёшлар масаласи сиёсатимизнинг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

## КЕЛАЖАГИ ИСТИҚБОЛЛИ, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

мон-этиқодли кадрларнинг тайинлиши давлат идораларида янгиликка интилувчанлик, ижтимоий-иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланиш ҳамда рақобатбардошликни таъминлашда муҳим замин яратди.

Раҳбар кадр аввало, ҳар қандай муаммоларни ҳал этишда профессионал бўлиши, сўз ва иш билригига амал қилиши, сиёсий маданияти, ҳуқуқ аналитик фикрлаш қобилияти, лидерлик салоҳияти юксак бўлиши, ўз устида тинимсиз ишлаш, лаганбардор ва маддоҳларнинг мақтовларига умаслиги, ҳалол, покиза, иймони мустаҳкам бўлиши ҳамда порахўрлик ва коррупциядан холи муҳитни ярат олиши шарт.

Ёшлардан иборат раҳбар кадрлар миллий захирасини яратишда албатта, унинг билими, тажрибаси, ҳалоллиги, профессионалиги, принциплилиги, жиддийлиги эътиборга олинади. Бу сиёсатда очиқлик, шаффоқлик, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя, кадрларни баҳолаш таъминлаши асосий ўринни эгаллайди.

Миллий кадрлар захираси, яъни давлат идораларидаги раҳбарлик лавозимларини энг муносиб кадрлар билан тўлдирish бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Юртимизда давлат хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ислохотлар, яъни кадрлар қаратишда алоҳида эътибор олиниб, келажакда уларнинг хизмат погоналари бўйича кўтарилиши қўллаб-қувватланади.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан захирага олинган кадрлар билан бошқичма-бошқич ишлаш тизими йўлга қўйилиб, уларнинг билим ва салоҳияти ҳамда тажрибасини доимий равишда ошириб бориш бўйича янги ташаббуслар амалга оширилиб борилмақда.

Жумладан, 2022 йилда хорижий давлатларда ҳамда Давлат бошқарув академиясининг Самарқанд филиалида вилоят ҳокимлиги, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари масъул ходимлари, вилоят ҳокимлигининг истиқболли захирасига олинган кадрларнинг малака ошириши белгилаб олинди. Шунингдек, "Эл-юрт умиди" жамғармаси билан ҳамкорликда вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда вилоят қорхона ва ташкилотларининг масъул ходимлари дунёнинг ривожланган давлатларида стажировкадан ўтиши режалаштирилган.

Ёшларга берилётган эътибор ва яратилаётган имкониятларга муносиб бўлган, интеллектуал жиҳатдан салоҳиятли ва фаол фуқаролик позициясига эга, теран фикрлайдиган, мустакил дунёқарашга эга ёш лидерларни аниқлаш ва уларни давлат хизматида жалб қилиш мақсадида вилоятимизда "Самарқанд келажак жавоҳирлари", "Келажак лидерлари" ва "Самарқанд илмли қизлари" клублари фаолияти йўлга қўйилди.

Кейинги икки йилда вилоятда фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда олиб борилган сазй-ҳаракатлар натижасида 1,5 минг нафарга яқин иқтидорли битирувчилардан иборат Самарқанд вилояти ҳокимлигининг "Олтин захира"си шакллантирилди ҳамда улар билан доимий ишлаш тизими йўлга қўйилди. Бугунги кунда

истиқболли ёш кадрларимиз халқ ҳўжалигининг турли жабҳаларида самарали фаолият олиб бормоқдалар.

Ҳозирги кунда уларнинг асосий қисми давлат бошқаруви идораларида, муассаса ва ташкилотларда, хусусий секторда фаолият олиб бораётган бўлса, 200 нафардан ортиқ ёш олим ва тадқиқотчилар илмий изланишлар билан банд. Жорий йилда ҳам вилоятдаги барча олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда иқтидорли, ҳар томонлама етук, билимли ёшлар саралаб олинди. Ана шу мақсадда жорий йилнинг май ойида вилоятдаги барча олий таълим муассасаларида иқтидорли ва салоҳиятли битирувчи талаба-ёшлар билан учрашувлар бўлиб ўтди. "Олтин захира"га олинган ёшларнинг 16 нафари номдор давлат стипендиантлари ҳамда 58 нафар иқтидорли магистрант битирувчилар вилоятимиз ёш олим ва тадқиқотчилари ҳисобланади.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ёшлар сиёсатини амалга оширишда барча дахлдор ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликни мувофиқлаштириб бормоқда. Ёшларнинг мулоҳаза ва тақлифлари инобатга олинган ҳолда, аниқ ва манзилли чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Уюшмаган ёшлар манфаатлари ҳисобга олиниб, улар ичидан ҳам ташаббускор ва иқтидорлилари захирага олиниб, бундай ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган устувор йўналишлар белгиланмоқда.

Шу билан биргаликда, ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришнинг тизимли мониторинги ташкил этилган бўлиб, меҳнат бозорига уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган махсус дастурлар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Захирага олинган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ташаббускор ёшлар тадбиркорлиги ҳамда ёш фермерлар фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшлар тадбиркорлигини ташкил этишда қўмақлашиш, имтиёзли кредитлар бериш, жой ажратиш, моддий ва техник воситалар билан таъминлашнинг доир дастурлар амалиётга жорий этилган бўлиб, ҳар томонлама камол топган, қатъий эътиқодга ва қарашларга эга бўлган, мустакил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган "Йўл хариталари" муттасил равишда амалга оширилиб келинмоқда.

Миллий кадрлар захирасини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Самарқанд вилояти филиали, вилоятдаги барча олий таълим муассасалари, бошқарма, қорхона ва ташкилотлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан ўзаро ҳамкорлик тизими йўлга қўйилган бўлиб, унинг қамрови йилдан-йилга оширилмоқда. Захирага олинган кадрлар ўз билим ва салоҳиятини ошириб, доимий изланишлар олиб бормоқда.

Миллий кадрлар захирасини бошқариш, давлат хизматчиларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, давлат хизматида ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш борасида тегишли идоралар билан ҳамкорликда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат бошқарувини такомиллаштириш, давлат хизматчилари ва раҳбар кадрларга қўйилаётган талаблар, раҳбар сифатида уларнинг

шақлланиши, камол топишга муҳим жараён сифатида қаралмоқда.

Президентимиз томонидан 2019 йил 3 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонга биноан бугунги кунда республиканинг барча давлат органлари ва ташкилотларида давлат хизматида қабул очик мустакил танлов асосида амалга оширилмоқда. Давлат фуқаролик хизматида ишга қабул қилиш ва хизматчиларнинг хизмат бўйича ўсиб бориши билан боғлиқ фаолиятда номзодларни адолатли баҳолаб бориш ва улар орасидан энг муносибларини танлашга қаратилган меритократия тамойили қўлланилмоқда.

Ҳозирги "Тараққиёт стратегияси" мамлакатни ислох этиш ва модернизация қилиш жараёнида ёш, малакали раҳбар кадрларнинг давлат хизматидаги фаоллигини кенгайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда уларнинг тўлақонли иштирокчи таъминлаши талаб этмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янги фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларни кенг йўл очиб бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда".

Айнан Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида тасдиқланган "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонун ана шундай ёш кадрлар захирасини шакллантириш ва уларнинг ўз хизмат вазифасини ҳалол, покиза бажаришига имкон яратди. Қонунга биноан, эндиликда уларни муносиб рағбатлантириш сифатида барча даражадаги давлат фуқаролик хизматчиларига эғаллаб турган лавозими, ўзи стаж ва малака ошириш курсларининг натижаларига қараб, малака даражалари (чин) берилди.

Ана шу маънода, ёшлардан захира раҳбар кадрларни тайёрлашда ултуксиз таълим жараёнини ташкил этиш, унга халқаро нормалар ва талабларга жавоб берадиган илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, таълим стандартларини жорий этиш ишларининг амалга ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шу асосда ёш кадрларнинг жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлишини таъминлаш вилоят ҳокимлигининг доимий диққат марказида турибди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бугун давлат хизматида фаолият кўрсатаётган ҳар бир шахс ўзининг функционал вазифаларини тўлақонли ва ҳалол бажариши билан бирга, халқни рози қилиш ҳамда эртанги бундан-да фаровон кунларга руҳлантириш билан қобилиятга эга бўлиш талаб этилади. Шу мақсадда янги қабул қилинган "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонун янги Ўзбекистон ислохотларида янги авлод давлат хизматчилари юзага келишига ва шаклланишига ҳамда пировард натижада, жаннатмакон юртимизнинг тинчлиги асраб-авайлаши, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши ва бағрикенг халқимизнинг давлатдан рози бўлишига хизмат қилади.

**Бехзод РАҲМАТУЛЛАЕВ,**  
вилоят ҳокимлиги  
ташқиллий-кадрлар  
гурухи раҳбари.  
("Халқ сўзи"дан)

# ФУҚАРОЛАРНИНГ САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШ ҲУҚУҚИ

Конституциянинг қаерида ёзилиши керак?

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари" деб аталади. Бу бўлим 7 боб (V -XI) ва 34 та моддадан (18 - 52) иборат бўлиб, уларда асосий ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчлар ёзилган.**

VIII боб "Сиёсий ҳуқуқлар" деб аталади. Ушбу бобда 4 та модда бор. Номидан кўриниб турибдики, ушбу бобда Ўзбекистон фуқаролари қандай сиёсий ҳуқуқларга эга эканлиги ёзилган.

Жумладан, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш" (32-модда), "... митинглар, йиғилишлар ва намоишлар..." ўтказиш (33-модда), "...касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш" (34-модда) ва "... давлат органлари, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш" (35-модда) ҳуқуқлари.

БМТ 1948 йил 10 декабрда қабул қилган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" 21-моддаси 3-бандида ҳар бир инсон умумий ва тенг сайлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак, деб ёзилган. Лекин бу ҳуқуқ бизнинг Конституцияимизнинг "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари" ёзилган иккинчи бўлимининг бирор моддасида йўқ. Ваҳоланки, номига қараганда бу қоида шу бўлимининг "Сиёсий ҳуқуқлар" деб аталган VIII бобига ёзилиши керак эди.

Ўзбекистон фуқароларининг сайлов ҳуқуқи Конституциянинг "Сайлов тизими" деб аталадиган XXIII бобнинг 117- моддасида ёзилган. Ушбу моддада хусусан, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоши-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қаноатланмади. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн халққа ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар", деб ёзилган.

Сайлов ҳуқуқи ва сайланиш тизими нима? А.Азизхўжаев ва бошқалар ёзган "Конституциявий ҳуқуқ" китобида сайлов ҳуқуқига қуйидагича таъриф берилган: "Сайлов ҳуқуқи - фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари, яъни овоз бериш, сайланиш, сайлов даврида бошқа тадбирларда, номзод кўрсатиш, номзодларни муҳокама қилиш, сайлов комиссиялари таркибида иштирок этишдан иборат. Сайлов тизими эса сайлов ўтказиш тартибларининг ҳамда уларни ўрнатувчи ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндиси ҳисобланади".

Сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг асосий конституцион ҳуқуқларидан бири ҳисобланади ва сиёсий ҳуқуқлар гурухига кирди. Сайлов ҳуқуқининг ҳуқуқ категориясига кириши унинг номидан ҳам кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам у Конституциянинг "сиёсий ҳуқуқлар" бобига ёзилиши керак. Катта-кичик сайловлар тўғрисидаги ҳамма масалаларни ўз ичига олган "Сайлов кодекси"га у Конституциянинг айнан ўша жойидан кўчириб олиниши керак. Конституциявий ҳуқуқ фани ва конституцияларнинг тузилиши нуқтаи назаридан ҳам Конституциянинг фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ёзилган қисмига ёзилиши керак.

Ўзбекистон Конституциясида фуқароларнинг бу асосий ҳуқуқи "сайлов тизими"нинг бир элементи сифатида ёзилган. Аслида "сайлов тизими" айнан шу ҳуқуқни амалга ошириш учун хизмат қиладиган воситага кирди.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, "сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи" бирламчи, асосий, "сайлов тизими" эса бунга нисбатан иккиламчидир. Ўзбекистон Конституцияси билан бошқа мамлакатларнинг Конституцияларини айнан шу масала бўйича таққосласангиз, бу камчилик яққол кўринади.

Масалан, Туркия Республикаси Конституцияси (1982 йил 7 ноябрь). 2-қисм. Асосий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар. II. Сайлаш, сайланиш ва сиёсий фаолият билан шугулланиш ҳуқуқи. 67\*(4)-модда. Ўн саккиз ёшга тўлган ҳамма турк фуқаролари сайловда қатнашиш ва референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Япония Конституцияси (1947 йил). III боб. Халқнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. 15-модда. Халқ, халқ ҳокимияти органларининг мансабдор шахсларини сайлаш ва мансабдан четлатиш бўйича дахлсиз ҳуқуқга эга.

Италия Республикасининг Конституцияси (1947 йил 22 декабрь). I қисм. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. IV боб. Сиёсий муносабатлар. 48-модда. Балоғат ёшига етган ҳамма фуқаролар - эркеклар ва аёллар сайловчи бўладилар.

Қирғизистон Республикасининг Конституцияси (2010 йил 27 июнь). Учинчи бўлим. Фуқаронинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. 23-модда. 3. Қирғизистон Республикасининг фуқаролари давлат органларига сайлаш ва сайланиш, шунингдек, референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ақсарият давлатлар конституцияларида "сайлов" ҳуқуқи "Фуқароларнинг (ёки асосий) ҳуқуқлари ва мажбуриятлари", "Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари", "Инсон ва фуқаро", "Инсон ва давлат", "Халқ", "Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида", "Сайлов ҳуқуқи", "Президент", "Рисқда" деб аталувчи боб, бўлим, қисмда ёзилган.

Германия Федератив Республикасининг Конституциясида "Ўн саккиз ёшга тўлган шахслар сайлаш ҳуқуқига эга", деб жуда қисқа, Польша Республикасининг нисбатан янги Конституциясида эса "Польша фуқароси сайлов кунига 18 ёшга тўлган бўлса, референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга, шунингдек, Республика Президентини, депутатларни, сенаторларни ва ўз-ўзини бошқариш ҳудудий органларига вакилар сайлаш ҳуқуқига эга", деб батафсил ёзилган.

Референдум Ўзбекистон Конституциясининг "Асосий принциплар" деб аталувчи биринчи бўлимида алоҳида модда сифатида ёзилган (9-модда), лекин аҳамияти бўйича референдумдан кам бўлмаган сайлов ҳуқуқи 117-моддада, яъни бошқа бўлимда ёзилган. Давлатдаги олий ҳокимият бошлиғи Президент референдум орқали сайланмайдими-ку? Масалан, Россия Конституциясига ёзилган шарҳда сайлов ва референдумнинг мавқеи бир хил эканлиги ёзилган. Ўзгариш ва қўшимчалар киритиладиган Конституцияда бу камчилик ҳам тузатилиши керак.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Сиёсий ҳуқуқлар" деб аталувчи бобига (бўлимга, қисмига) "Ўзбекистон фуқаролари Ўзбекистон Президентини, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг депутатларини сайлаш ва маълум ёшга етгандан кейин шу лавозимларга қатнашиш ҳамда референдумларда қатнашиш ҳуқуқига эга" деб тўлиқ ва аниқ қилиб ёзиши тақлиф қиламан.

**Абдулла ҚУВАТОВ,**  
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети доценти.



Марказий Осиёда биринчи муассасаси сифатида фаолият бошлаган Самарқанд давлат тиббиёт институти негизда университет ташкил этилди. Асосий мақсадни кадрлар тайёрлаш сифатини янада яхшилашга қаратган университетда бир неча янги таркибий бўлинмалар ташкил этилиши кўзда тутилган.

Жумладан, Самарқанд тумани Ўрташ қишлоғида жойлашган вилоят саломатлиқни тиклаш шифохонаси негизда спорт тиббиёти ва реабилитология илмий тадқиқот институти фаолият бошлайди. Олий таълим муассасамизнинг биринчи ва иккинчи клиникалари базасида кўп тармоқли ҳамда ихтисослаштирилган болалар хирургияси клиникасини ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкмули ва паразитар касалликлар илмий-амалий

## Тиббиётга эътибор ошди

тадқиқот марказининг Исаев номидаги филиали ва клиникаси негизда эпидемиология, микробиология, юкмули ва паразитар касалликлар илмий тадқиқот институти ва унинг клиникаси иш бошлайди.

Бундан ташқари, республика шошилиқ тез тиббий ёрдам марказининг Самарқанд филиали янги бинога кўчирилгандан кейин унинг эски биноси университет тасарруфига ўтказилиб, бу ерда нейрохирургия, нейрореабилитология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда иммунология, аллергология ҳамда инсон геномикаси илмий-амалий тиббиёт марказлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Бундан кўндаланган асосий мақсад - талабаларнинг назария билан амалиёт уйғунлашган ҳолда таълим олишлари имкон яратиш.

Институтга университет мақоми берилишидан олдин ҳам турли ривожланган давлатлар олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган эди. Ҳозирда буни янада кенгайтириш ишлари



амалга оширилмоқда.

Масалан, ҳозирги кунда университет клиникасида янги хирургия корпуслари курилиб, Туркиянинг Истанбул шаҳридаги тиббий марказлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган ва келажакда жигар трансплантациясини амалга ошириш кўзда тутилган.

Тиббиёт ходимларини моддий жиҳат-

дан қўллаб-қувватлаш мақсадида яқинда Президентини фармонига кўра, олий ва биринчи тоифага эга тиббиёт ходимларининг олий маоши 15 фоизга, иккинчи тоифали тиббиёт ходимлариники эса 10 фоизга оширилди.

Бундан ташқари, тиббиёт муассасаларини ривожлантириш ва рағбатлантириш жамғармаси ташкил этилиб, унинг маблағларининг 75 фоизи соҳада фаоллик кўрсатган тиббиёт ходимларига, қолган 25 фоизи моддий-техник базани мустаҳкамлаш учун ажратилди.

Шу пайтга қадар профессор-ўқитувчиларнинг илмий даражаси учун ҳақ тўланмасди. Фан докторлари амалиётда ишлаётган бўлса, унинг асосий олий маошига 60 фоизи миқдорда, фан номзодларига эса 30 фоиз миқдорда устам тўлаб берилди.

Бу албатта, тиббиёт ходимларини аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун тажрибасини ошириш, ўз устида ишлашга ундайди.

**Яхшинор АЛЛАЁРОВ,**  
Самарқанд давлат тиббиёт университети касабга уюшмаси раиси.

Бугунги кунда истеъмолчиларга суюлтирилган газ етказиб бериш даврийлиги 40-45 кун. Аммо хонадонларнинг истеъмол қуввати ва эҳтиёжи турлича. Баъзан газ баллонларини етказиб бериш икки ойгача чўзилиб кетаяпти. Табиийки, бу ҳолат фуқароларнинг эътирозига сабаб бўляпти.

## АҲОЛИГА СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ ЕТКАЗИШДА ХУСУСИЙ СЕКТОР ЖАЛБ ҚИЛИНИШИ МУМКИН

"Худудгаз Самарқанд" газ таъминоти филиали директори ўринбосари Аъзам Бобоев ва филиал масъулари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида журналистлар ушбу ҳолат бўйича мутасаддилардан изоҳ сўради.

Таъкидланишича, энди оила аъзолари кўп бўлган ва рўйхатдан ўтган уй хўжаликлари белгиланган муддатда ID-картаси орқали икки мартаба газ баллони олишлари мумкин. Ушбу муаммоларнинг ечими сифатида жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида яна қўшимча мингта газ баллони етказиб берили-

ши белгиланган. Қолаверса, газ баллонларга газ тўлдириш қувватини ошириш мақсадида соҳага хусусий тадбиркорларни жалб қилиш режалаштирилган. Бугунгача вилоятда истеъмол учун маиший газ баллонлари махсус штрих кодли стикерлар ўрнатилиб, қарийб барча истеъмолчиларга ID-карталар тарқатилган. Бугунги кунда вилоят бўйича битта газ тақсимлаш станцияси ва 7 та газ қуйиш шохбчаларидан ҳудуддаги 500 мингга яқин хонадонга автомашиналарга газ баллонлари етказиб берилмоқда.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

# УМУМИЙ ЙИҒИЛИШЛАР ЎТКАЗИЛАДИ!

## "САМАРҚАНД ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Самарқанд дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2022 йил 28 июнь кuni (ҳафтанинг сешанба кuni) соат 10:00 да Самарқанд шаҳри Зиёкорлар кўчаси, 4-ўйда, жамият мажлислар залида ўтказилади.

### КУН ТАРТИБИДА:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санақ комиссияси сони ва шахсий таркибини сайлаш;
3. Жамият устав капиталидаги "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компаниясининг акциялар пакетини оммавий савдоларга чиқарилишини ташкил этиш бўйича "Лойиҳа офиси"ни жорий этиш ва унинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи жамият бошқарув раиси ўринбосари лавозимини ташкил этиш бўйича жамиятнинг ташкилий тузилмасига тегишли ўзгариш киритиш ҳамда тасдиқлаш;
4. Жамият ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, корхона ички норматив ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш;
5. Жамият кузатув кенгаши аъзоси таркибига ўзгариш киритиш;
6. Корхонанинг корпоратив фаолиятини тартибга солувчи низомлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш ҳамда йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабарнома олиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини шакллантириш санаси 2022 йил 3 июнь ва умумий йиғилишга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини шакллантириш 2022 йил 22 июнь ҳолатига белгиланади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқилмаган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан "Самарқанд дон маҳсулотлари" АЖда ушбу хабар эълон қилинган кундан бошлаб йиғилиш ўтказилмаган кунга қадар соат 8:00 дан 10:00 гача танишишингиз мумкин.

**Мурожаат учун телефон: +99866-239-55-04.**

**Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.samdon.uz**

**Электрон почта манзили: samarqanddon@umail.uz**

**Ҳурматли акциядорлар!** Жамият акциядорлари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги ахборот ва бошқа маълумотларни жамият акциядорларига сифатли ва тезкор етказилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, электрон почта орқали амалга оширилишини инобатга олиб, сизга электрон почта манзилингизни (Email) тақдим этишингиз лозимлигини маълум қиламиз.

### ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

## "ЖУМА ЭЛЕВАТОРИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Паст Дарғом туманидаги "Жума элеватори" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2022 йил 28 июнь кuni (ҳафтанинг сешанба кuni) соат 14:00 да Паст Дарғом тумани Жума шаҳри, Фитрат кўчаси, 2-ўйда, жамият мажлислар залида бўлиб ўтади.

### КУН ТАРТИБИДА:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санақ комиссияси сони ва шахсий таркибини сайлаш;
3. Жамият устав капиталидаги "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компаниясининг акциялар пакетини оммавий савдоларга чиқарилишини ташкил этиш бўйича "Лойиҳа офиси"ни жорий этиш ва унинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи жамият бошқарув раиси ўринбосари лавозимини ташкил этиш бўйича жамият ташкилий тузилмасига тегишли ўзгариш киритиш ҳамда тасдиқлаш;
4. Жамият ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, корхона ички норматив ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2022 йил 28 июнь кuni соат 13:00 дан 14:00 га қадар давом этади.

Йиғилишга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжати ва уларнинг вакиллари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома билан келишлари сўралади.

**Мурожаат учун телефон: +99866-465-15-27.**

**Жамиятнинг электрон почта манзили: jumadon@mail.ru**

**Ҳурматли акциядорлар!** Жамият акциядорлари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги ахборот ва бошқа маълумотларни жамият акциядорларига сифатли ва тезкор етказилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ электрон почта орқали амалга оширилишини инобатга олиб, сизга электрон почта манзилингизни (Email) тақдим этишингиз лозимлигини маълум қиламиз.

### ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

## "ЖОМБОЙ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Жомбой дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2022 йил 28 июнь кuni (ҳафтанинг сешанба кuni) соат 9:00 да Жомбой тумани Жомбой шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 1-ўйда жамият маъмурий биноси мажлислар залида ўтказилади.

### КУН ТАРТИБИДА:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санақ комиссияси сони ва шахсий таркибини сайлаш;
3. Жамият устав капиталидаги "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компаниясининг акциялар пакетини оммавий савдоларга чиқарилишини ташкил этиш бўйича "Лойиҳа офиси"ни жорий этиш ва унинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи жамият бошқарув раиси ўринбосари лавозимини ташкил этиш бўйича жамиятнинг ташкилий тузилмасига тегишли ўзгариш киритиш ҳамда тасдиқлаш;
4. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, корхона ички норматив ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш;
5. Жамият ижро органи таркиби ўзгаришини тасдиқлаш.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш ҳамда умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабарнома олиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини шакллантириш санаси 2022 йил 3 июнь кuni ва навбатдан ташқари умумий йиғилишга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини шакллантириш санаси 2022 йил 22 июнь ҳолатига белгиланади.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2022 йил 28 июнь кuni соат 8:00 дан 9:00 га қадар давом этади.

Йиғилишга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжати ва уларнинг вакиллари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома билан келишлари сўралади.

**Мурожаат учун телефон: +99866-240-71-71.**

**Жамиятнинг электрон почта манзили: jombojdon\_aj@mail.ru**

**Ҳурматли акциядорлар!** Жамият акциядорлари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги ахборот ва бошқа маълумотларни жамият акциядорларига сифатли ва тезкор етказилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ электрон почта орқали амалга оширилишини инобатга олиб, сизга электрон почта манзилингизни (Email) тақдим этишингиз лозимлигини маълум қиламиз.

### ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Жомбой тумани Давлат ҳизматлари марказидан 2018 йил 14 мартда 590221-реестр рақами билан рўйхатдан ўтказилган "ТЕМURBEK TRADING BUSINESS" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 305410364) "ТЕМURBEK GLOBAL INVESTMENT" масъулияти чекланган жамиятига (СТИР: 305952877) янги таъсисчи сифатида қўшилмоқда. Шу муносабат билан унга билдирилмаган барча эътирозлар қуйидаги манзилда қабул қилинади.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мотрид кўчаси, Қорасув даҳаси, 89-ўй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳошимов Ғолиб Бахтиёрович нотариал идорасида марҳум Хужанов Камол Джалиловичга (2021 йил 15 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳошимов Ғолиб Бахтиёрович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Лутфий кўчаси, 80-ўй.**

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳошимов Ғолиб Бахтиёрович нотариал идорасида марҳум Хужанов Камол Джалиловичга (2021 йил 15 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳошимов Ғолиб Бахтиёрович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Ургут шаҳарчаси Навоий шохкўчаси.**

### \*\*\*

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасида марҳум Бабаева Гулчехрага (2017 йил 26 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Эркинжон Толибжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд тумани Андижони маҳалласи.**

### \*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолiddин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Джалолов Раджабга (1956 йил 9 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолiddин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-ўй.**

### \*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасида марҳум Низамидинова Кахраба Аскарловнага (2019 йил 16 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Боғдоқ кўчаси, 1-ўй, 3-хона.**

### \*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норкулов Алишер Ташболтаевич нотариал идорасида марҳум Шарипова Шара Якубовнага (2020 йил 24 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норкулов Алишер Ташболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-ўй.**

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд иқтисодиёт коллежидан 2005 йилда Мамирова Шоҳсанам Одиловна номига берилган рўйхат рақами 590, К № 025939 рақами диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Тагаев Бахтиёр Нематиллоевич номига берилган У № 1907975 рақами умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 39-ўрта мактабдан 1974 йилда Узақов Масуджон Махмудович номига берилган Б № 517074 рақами саккиз йиллик маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 39-ўрта мактабдан 1977 йилда Раджабова Зухро Нарзипуловна номига берилган А № 997600 рақами ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Хўразова (ҳозирда Турсунова) Дилором Имомқуловна номига берилган У № 2497032 рақами умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети академик лицейидан 2017 йилда Тошназарова Нафосат Тошназар қизи номига берилган рўйхат рақами 527, L № 304955 рақами диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Қулжонов Нигора Алмурадовна номига берилган О-А № 1454935 рақами ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд кооператив институтидан 1986 йилда Разиков Улугбек Тўйчиевич номига берилган рўйхат рақами 23015, МВ-I № 065316 рақами диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жомбой транспорт касб-хунар коллежидан 2019 йилда Раҳмонбердиев Жамшид Облобердиевич номига берилган рўйхат рақами 482, К № 5583729 рақами диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат тиббиёт институтидан 2018 йилда Пулотов Дилрўз Уринбоевна номига берилган В № 958474 рақами диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

### \*\*\*

Ургут туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабидан 1993 йилда Бобоев Бахтиёр Ортиқович номига берилган № 313438 рақами ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги собиқ 14-(ҳозирги Самарқанд шаҳридаги 73) умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Хасанова Шоира Джабборқуловна номига берилган У № 10959110 рақами умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университетидан 2002 йилда Бағиров Ғафур Истамович номига берилган рўйхат рақами 453, В № 093085 рақами диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳри Мотрид кўрғонида жойлашган ҳовли-жой сотилади. Мурожаат учун телефон: +99890-602-77-41.

Самарқанд шаҳридан икки ёки уч хонали офисга мўлжалланган хона сотиб оламан. Мурожаат учун телефон: +99890-602-77-41.

Фуқаро Хамраев Шокир Эшонқуловичнинг фуқаролик паспорти (АВ 2282100) ва ҳайдовчилик гувоҳномаси Самарқанд шаҳри ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатларини топганлардан мукофот эвазига қайтариларини сўраймиз.

**Телефон: +99891-555-70-44.**

Абдулла Аъзам,
академик



Инсон бирда тоғнинг ёлғизоёқ сўқмоқларидан, бирда шахри азимнинг шоҳроҳларидан юради; бир гал қуёш нури, бошқа сафар ой ёғдуси ёритган йўлларда одим отади. Умр сафари давомида "Наҳотки?" дея савол туғдирадиган, "Йўғ-э!" дея ҳайратга соладиган ҳолатлар ҳам учрайди. Кутилмаган ғаройибот – жумла, вазият, воқеа "парадокс" деб аталади (юнунча пара- кўндаланг, доксос – фикр, тасаввур сўзларидан). Ҳаёт йўлида учраган парадокслар – ҳайрату ҳасрат уйғотган ҳолатлар хусусида гурунглашим келди.

Тўн бўлса, ичида кимдир бор, дегани эмас

Москвадан қайтган Саъди Ҳасанович Сирожиiddинов ишчанлиги, воизлиги билан ҳаммани маҳлиё этган. Шу тўфайли Олий Совет Раиси этиб сайланган (Эслатиб ўтамиз бу шунчаки жамоат иши бўлиб, йилда бир-икки мажлисга расислик қилишдан иборат бўлган; юксак мансаб - Олий Совет Президиумининг Раислиги эди). Қарабисизки, домла катта мажлис-машваратларнинг кўри бўлган мансабдорларни ҳам ром этади. Кўплари, жумладан, Олий Совет Президиуми ва Министрлар Советининг Раислари ўғил-қизини математика факультетига ўқишга жойлайди. Ҳавас-да. Афсуски, бирортасидан дуруст математик чиқмади. Кўпчилилик ўқишини ҳуқуқшунослик факультетига кўчирди.

1982-1985 йиллар. Деярли ҳар йили КПСС раҳбари вафот этади. Ҳар сафар витринадан марҳумнинг асарлари йиғиб олиниб, ўрнига янгисиники териб чиқилади. Олий нав қоғоз увол. Парадокс шундаки, навбатдаги бош котиб салафининг асарлари макулатурага топширилганини билади, аммо...

Учратганмисиз: иқтисодчи - исрофгар, ташвиқотчи - тескари ташвиқотчи, олимнинг иши - жаҳолат, судьянинг иши - адолатсизлик...

Фалсафа мударриси Н.Усмонов: «Марксизмнинг уч устунидан бири - диалектик материализм. Ҳамма раҳбар мен диалектик материализм асарлари йиғиб олади, дейди. Оғизда. Амалда-чи? Диалектикнинг қонунларидан бири: мутлақ ҳақиқат йўқ, ҳар қандай ҳақиқат нисбий - яъни 100 фоиз ҳақиқат эмас. Қани, бирорта раҳбарга "Сизнинг фикрингиз 100 фоиз ҳақиқат эмас", деб кўрингчи". КПСС раҳбариятининг фикри, қарори кўпинча ҳақиқатга 100 фоиз зид бўлган, аммо мутлақ ҳақиқат дея жар солинган.

Олим деган шарафли инсон бор, "олим" деган зарчопон ҳам. Анчайин илмий даража. Тўн бўлса, ичида кимдир бор, дегани эмас.

Қабул имтиҳони. СССРда машҳур раиснинг қизи имтиҳон топширипти (Имтиҳон оляпти дейилса, тўғрироқ - домлалар сўзлапти, у жимгина тинглапти. Баҳо "аъло"). Ёндош столда олимпиада совриндори имтиҳондан ўтапти. Билет саволларига жавоб бериб бўлгач, кетма-кет масалалар берилади. Чарчаганим, охириги масалага келганда дудукланади. Баҳо "4" (яхши). Ким у тестни қоралайдиган?

Апелляция комиссияси - сўнгги инстанция. Ана шу комиссияга тасодифан тушиб қолган ёш домла қип-қизил "икки"-ни тузатишни истамайди. Комиссия раиси топшириқ беради; "Тўғрилаш керак!" Кейин дўқ қилади: "Тўғриламасангиз ишингиз чақо бўлади". Охири илтимосга ўтади: "Ўзи тўғри-ку. Сиз эгрилаб бер деясиз".

Олий таълим даргоҳида ишлайман. Жўра, қариндош, таниш-билиш фарзандини етаклаб келади: "Ўқитиб берасан". Билиб бўладими - балки катта олим чиқар. Савол бераман. Талабалikka талабгор мум тишлаган. 4-синф дарслигидан мисол сўрайман. Жавоб йўқ. "Ўғлинг

ўгай эмасми?" Дўстининг жаҳли чиқади. "Мақтабда ўқимаган, университетда ўқийдими?" Инсофи бори индамай қайтиб кетади, фақат салом-алиқни йиғиштиради. Ашаддийси контрагумент келтиради: "Бошқалар ўқияпти-ку?" Ўқиса ўқийдигандир, аммо математика факультетига эмас.

Олий ўқув юртларига тест билан қабул қилиш - касални кинна билан даволашга ўхшайди. Хотираси зўр, аммо билими ҳаминқадар бола грантага ўтиб, бўлгуси даҳо қолиб кетиши мумкин. Дудук - инглиз тили факультетига (нима, инглизлар орасида дудуги йўқми?), сичқондан кўрқаидиган - тиббиёт факультетига кириши ҳам ҳеч гап эмас.

Юрт мустақил бўлгач, ўқувчиларимиз халқаро фан олимпиадаларида иштирок этиш имконига эга бўлди. Терма жамоани саралаш учун республика олимпиадасини ўтказиш керак. Ўтказилади. Яқун чиқарилади. Аммо халқаро олимпиадага республика босқичи қолиблари юборилмайди. Уларни юбориб бўлмайди, шарманда қилади. Бошқа жамоа тузилади... Гап шундаки, қолиблар олий ўқув юртига тест синовисиз, тўғридан-тўғри қабул қилинади. Қолиблар - ана шу имтиёз шайдоси. Яқингача куппа-кундузи, жамоатчилик кўз ўнгига юз берар эди бу ҳол.

Хорижий тилни ўрганишга иқтидор керак. Ўз она тилини ўрганишга кўпроқ иқтидор зарурми?

Олий ўқув юртлари кўпаяётгани яхши. Чаласаводлик яна қаерда битирилади?

Футбол. Кучли жамоа кучисиз ютқазди. Команда бошлиғи тушунтиради: "Кучимиз бироз етмади. Рақиб жамоаси кучлироқ бўлиб чиқди". Техникада эмас, жисмоний тайёргарликда эмас, тактикада

эмас, ўйинда ҳам эмас, ҳақамнинг кўлини қисиб қўйишда!

Бир туманда ЙХХ ходимларига жарималар режаси берилибди. Шундай ҳам ҳар бирининг ўз режаси бор эди.

Қишлоқнинг эгри ва нотекис кўчаларида авария деярли бўлмайди. Автохалокатнинг кўли - шахарнинг кенг ва равон йўлларида.

Беморнинг иштаҳаси йўқ эди. То у тузалмагунча Ибн Синонинг томоғидан ҳам таол ўтмаган.

Касалхонада ўлим деярли йўқ, у ердан "аҳволи қониқарли" ҳолда чиқиб, ўлиб кетаётганлар қанча?

Хирурглар беморларнинг ичидан қимматбаҳо тошларни изламоқда ва топмоқда.

Қанча кўп дори ичсангиз, шунча кўп касал бўласиз.

Кун келиб, ҳар бир хонадонга биттадан дорихона тўғри келса керак.

Дори-дармон магнати билан эстрада олузди қўшни. Бир йили унисси ўйини қайта қуради, бир йили буниси. Кўтариброк.

Тунда чироқлар кўплигидан юлдуз кўринмайди. Эстрадада юлдуз кўплигидан чироқ кўринмайди.

Рақс жамоасида кадр муаммоси: йигитлар ҳарбий хизматга бориб келгач, ансамблга қайтмаяпти.

Навоийшунос, аммо ботил. Бобуршунос, аммо бахил. Берунийшунос, аммо

жоҳил. Хайрият - истисноларда.

Диссертация ҳимояси учун оппонентлар тайинланади. Аслида илмий раҳбар оппонентроқ.

Адабий танқид керакми, деган саволга "йўқ" деб жавоб берган ижодкорни кўрмادим. Адабий танқидни ёқтирадиган ижодкорни ҳам.

"Халқ шоири" бўлиш қийинми - билмадим-у, халқ шоири бўлиш қийинлиги аниқ.

Бадиий асар ижодкорнинг фарзандидек дейишади. Қошки, қиз фарзанд бўлса - тарбиялаб вояга етганидан сўнггина узатиладиган.

Даҳонинг биргина жумласи ёки байти графоманнинг юз жилдлигини тарозидан босади. Қизик, ўша тарози кимнинг кўлида?

"Муқофот, унвон кўп яхши нарса-ю, бошқаларга ҳам берилиши чаток-да" - юксак муқофот олганнинг мингиллагани.

Закий шоир ўқисиб нидо қилди: "Менда суврат бор-у, сийрат йўқ". Бугун энди унинг суврати йўқ, аммо сийрати ҳаёт.

Адабиётга дохил бўламан деб китоб ёзиш умрни зое қилади.

Жадид боболар миллатпарварликнинг бир неча асрли режасини тўлдириб кетмаганим, ишқилиби?

Маънавият нақадар долзарб, зарур ва муҳимлиги ҳақида маъруза қилиш керак. Борасиз - тингловчилар бундай маърузага муҳтож эмас, бари маънавиятчи кишилар. Маънавиятсизлар бу ерга қақирилмаган. Чақирилса ҳам келмайди - маънавиятга путур етказиш билан банд.

Фарзандига сўзи ўтмайди, аммо танқидчилик жону дили.

Журналистлар "теннис" ўйнашади: бири тўпни тўрнинг соя томонидан офтобга қараб отади, иккинчиси бу ёғидан у ёғига.

"Муҳолифатчи" - янги касб тури.

Шайтоннинг жуссаси катта бўлмаса керак - микрофон ичига кириб олиб, одамни ёлғон сўзлашга ундайди.

Лаблари осилиб, жағи чарчаб, оғзи қуриб, томоғи қирилади, аммо сўзи тамом бўлмайди.

Экологлар ўрмонларнинг ташвишини чекавермасин - яқин йилларда макулатуранинг ўзи қоғоз ишлаб чиқаришга етиб ортади.

Бир вақтлар одамлар ариқдан сув ичган. Бугун водопровод қранидан сув ичиш тавсия этилмайди. Тараққий!

Бир челақ пок сувни булғаш учун бир томчи кифоя. Бир челақ булғанган сувни тозалаш учун-чи? ("Tafakkur" журналидан)

Ҳаёт сабоқлари

Меҳнатга меҳр қўйиб, бориға қаноат, йўғига сабр қилиб яшаган инсонни Аллоҳ хуш кўради. Аммо ялқов бўлиб ўсган Самад учун бу хислатлар бегона эди.



САРОВГА АЙЛАНГАН ОРЗУ
- Жиян, - деди фермер тоғаси унга ачиниби, - тикка коғос бўлиб юришинг яхши эмас, хор бўласан, насиҳатимга кир, бирор ишинг бошини тут...
- Сиз айтган ўша иш қани, тоға? Уч-тўрт жойда ишлаб кўрдим, берган маоши ишлаганимга арзимайди. Пулим кўп бўлиб, ҳеч нарсага зориқмай яшасам дейман, дангил-лама уйим, машинам бўлса...
- Унда меҳнатдан қочма, орзуларингга эришасан. Кел, мен билан ишла, яқинда янги трактор олдим, сенга бераман. Ялқовлик қилмасанг бўлди, ёнилгиси, бузилса, эҳтиёт қисми мендан. Бўш пайтингда майли, томорқа ҳайда, ишлаган чой пулинг ўзингники. Икки-икки ярим миллион сўм ойлик бераман, йил охирида яна икки тонна бугдой ҳам олсан.
- Тоға, ўйлаб гапиряписизми, мен иссиқда жизганак бўлиб, ёғзага ишлов бераманми? Йўқ, офтобга аллергиям бор, қон босимим кўтарилиб кетади. Четга кетаман, сиз бир ойда берадиган пулни бир кунда топаман, - деди Самад таклифни рад этиб.
- Нодон бўлма, жиян, четда ҳам пул ҳазондай сочилиб ётгани йўқ. Бу ерда ёлчилик ишлаган одамнинг у ерда ҳам бири икки бўлмайди. Қаерники, қилмагил орзу, ҳар ерда ҳам бун тошу тарози. Уэга юрдада шох бўлгандан кўра, ўз юртингда гадо бўл, деган маънавий ҳақ. Бу ҳикматларнинг мағзини чақ, жиян!
...Самад Россияга келганига уч ойдан ошди, енгил иш қидириб овора. Қаерга борса, оғир иш, совуқ, чаёндай чақади. Қурилишда ишлаганда, бир ҳафта ҳам чидамади. Ертўладаги зах ётоқхонада яшаб, ўпқасини шаломлатди. Қайтиб кетишга пули йўқ, қарз берадиган кимса топилмайди. Кўча-кўйнинг қорини қураб, бир амаллаб қорини тўйғазиб юрибди. Жарақ-жарақ пул юборишини кутаётган болаларининг аҳволи не кечяпти экан? Бунчалик ношукур бўлмаса, тоғасининг таклифини рад этиб, бекор қилган экан. Унинг хўрлиги келди.
Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Оилада экологик маданиятни шакллантиришнинг асосий мазмуни - инсон ва табиат устидан боғлиқликни ижобий тушуниш ва табиат бизда эмас, балки биз табиатда яшаймиз, деган тушунчага амал қилган ҳолда уни асраб-авайлашимиз лозим.
Фарида ЖАҲОНОВА, Самарқанд шаҳар 12-умумий ўрта таълим мактаби амалиётчи психологи.

Танбех

Бугун кўчаларнинг ободлиги, ички йўллар таъмирланиб, пиёдалар йўлақари ташкил этилаётгани кишини қувонтиради.

КўЧА сақлашнинг ҳам тартиби бор

Аммо биз ушбу қулайликлардан тўғри фойдалана оламизми? Маҳаллалардаги раван йўлларга одамлар бетондан тўсиқ қўядиган бўлишди. Лекин бу жойларда ҳеч қандай оғохлантириш белгилари қўйилмаган. Билмаган ҳайдовчи учун бу катта ноқулайлик.
Бу ҳам майли, кўчада гилмларининг чангини қоқиб, ювиб турганларга нима дейсиз? Йўлни эгаллаб олиб, "секинроқ ўт" дейдиганлари ҳам бор.
Айримлар ариқни кўмиб олса, яна кимдир ариқларни қуриш шикандалари билан тўлдириб ташлайди. Оқибатда ёғингарчилик кунлари ҳовли ва кўчаларни сув босади. Қани бу ерда саришталлик? Қани бу ерда қўни-қўшига, халққа ҳурмат?
Кўчада ҳам тартиб борлигини унутмайлик!
Ҳусниддин ХОЛДОРОВ.

Корейс миллий таомлари фестивали

Кимчи чимчига айланган

Корейс миллий таомларининг баъзилари аллақачон самарқандликларнинг ҳам сеvimли таомига ҳамда дастурхони кўркига айланиб улгурган. Ушбу миллат диаспораси мана 85 йилдирки, Ўзбекистонда бошқа миллат вакиллари қаторида тотувликда умргузаронлик қилиб келмоқда.



Ушбу сана ҳамда корейс миллий байрами - Тано, яъни шукроналик кунини муносабати билан Самарқанд шаҳридаги "Дўстлик уйи"да корейс миллий таомлари фестивали бўлиб ўтди.
- Яхши биласиз, корейс ошханаси корейс маданиятининг ажралмас бўлагидир, - дейди корейс миллий маданий маркази раҳбари Вячеслав Тэн. - Миллий таомларимиз хилма-хиллиги ҳамда фойдали элементларга бой маҳсулотлардан тайёрланиши билан ажралаб

туради. Диаспорамиз Ўзбекистонга келганлигининг 85 йиллиги муносабати билан йил давомида қатор маданий тадбирлар, концерт дастурлари ташкил этишни режалаштирганмиз.
- Менинг ота-онам Қозоғистонга кўчиб келган, ўзим ҳам ўша ерда туғилганман, - дейди Мария Ким. - Тошкентга келганимиздан, кейин турмуш ўртоғим билан 1969 йилда Самарқандга яшай бошладик. Фарзандларим бошқа давлатда яшайди, лекин биз кўчишни истамадик. Элчихона ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида бундан бир неча йиллар олдин тарихий Ватанимиз ҳисобланмиш Корёяда ҳам бўлдик, бир олам таассуротлар билан келдик. Лекин шундай бўлса-да, Ўзбекистонни Ватанимиз деб биламиз, шу ерда қадр топганимиз.
Дарвоқе, корейсларнинг бигоди, кимкичи тиге, пибим пар, куксу каби таомларини кўп миллатли самарқандликлар ҳам севиб истеъмол қилади. Фақат кимчи бугун чимчига айланган, холос.

Самарқанд шаҳридаги 59-«Нурли маскан» итисослаштирилган таълим муассасаси ўқувчилари орасида ижодкор, адабиёт ва санъатга қизиқувчи ёшлар кўп. Маҳлиё Даминова ва Шербек Исломов шеърятга меҳр қўйган, қалб кечинмаларини сатрларда ифодалаган умидли ёшлардан.

Қалб туғёнлари жамланган тўпلام

Уларнинг қалб кўзи билан англаган шеърини машқлардан иборат "Кўшга тик қараганлар" номли илк тўплами Тошкент шаҳридаги "QAMAR MEDIA" нашриётида вилоят ИИБ ҳомийлигида чоп этилди. Вилоят ахборот-қутубхона марказида ушбу китоб тақдими бўлиб ўтди.
Унда Олий Мажлис Сенати аъзоси Ф.Тошев, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Р.Маматов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Т.Тугалов ёш ижодкорларнинг шеърлари ҳақида фикрларини билдирди.
- Уларнинг қалби зулматдан нур



топади, - дейди шоира Хосият Бобомуродова. - Кўз билан кўриб бўлмайдиган туйғуларни ҳис қилиб, шеърга солади. Ҳар гал улар билан шеърятнинг сирли дунёсида учраганим сари бу нозик қалбларни алдаб бўлмаганини англайман. Ёлгон туйғулар тоза юраклар учун ҳақорат бўлиб туюлади.
Китобда ёш ижодкорларнинг Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, тинчлик ва дўстлик кадр-қиммати улуғланган шеърлари нафақат уларнинг тенгдошлари, балки ёши катта кишиларни ҳам эзгуликка чорлайди.
Дўстмурод СИНДОРОВ.

MATBUOT UYI Zarafshon Samarqandskiy Vestnik

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV
Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 156 nusxada chop etildi. Buyurtma 362. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61
MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.
«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.
Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.
Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G'.HASANOV.
Navbatchi: T.SIDDIQOV.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.
Saytimga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X
9 1772010667009
Sotuvda narxi kelishilgan holda